

ЎЛКАМИЗ ТАБИАТИ ГЎЗАЛЛИГИГА ЭРИШАЙЛИК ЁХУД ЎСИМЛИКЛАР
ОЛАМИ ТАБИАТНИНГ КЎРКИ

Нафасов Зафар Нурмахмадович¹

¹Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий тадқиқот институти лаборатория
мудури, қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим

Муминов Мансур Шодиқулович², Аллаяров Нодиржон Жўраевич³
^{2,3}илмий ходимлар

Аннотация. Ушбу мақолада ўсимликлар оламининг табиатдаги ва инсонлар ҳаётидаги аҳамияти ва уларни халқаро миқёсда муҳофаза қилиш мақсадида олиб бориладиган ишлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Республикада ўсимликлар дунёсини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва кўкаламзорлаш-тириш учун "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси ва давлат аҳамиятига молик қарорларнинг қабул қилиниши ҳамда уларнинг ижроси ҳақида ёритилган.

Калит сўзлар: "яшил макон", лойиҳа, декларация, иқлим ўзгариши, ландшафт, экологик барқарорлик, экотизим, биохилма-хиллик.

Аннотация. В данной статье представлена информация о значении растительного мира в природе и в жизни людей и о мерах, предпринимаемых на мировом уровне. В ней также рассматриваются проблемы правовой защиты мира растений в нашей республике, и принятие решений о создании общенационального проекта об озеленении "Зелёное пространство" о выполнении этих задач.

Ключевые слова: "зеленое пространство", проект, декларация, изменение климата, ландшафт, экологическая устойчивость, экосистема, биоразнообразие.

Abstract. This article provides information on the importance of the plant world in nature and in people's lives and on measures taken at the global level. It also discusses the problems of legal protection of the plant world in our republic, and the adoption of decisions on the creation of a nationwide landscaping "Green space" to fulfill these tasks.

Keywords: "Green space", project, declaration, climate change, landscape, ecological sustainability, ecosystem, biological diversity.

Ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш муаммоси ҳеч қачон ҳозиргидек ўта долзарб аҳамиятга эга бўлган эмас. Ўзбекистон Республикасида табиатни асраш ва атроф-муҳитнинг файзу-тароватини ошириш масаласи давлат сиёсатининг етакчи (ўринларидан) йўналишларидан бирига айланди. Шу боис, сўнги йилларда ўсимликларни муҳофаза қилиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Ўсимликлар дунёси инсоният ҳаётидаги энг муҳим ресурс ҳисобланиб, улардан оқилона фойдаланилганда, битмас-туганмас хом ашё манбаига айланади.

Ўсимликлар хилма-хиллиги барча давлатлар учун муҳим ҳаётий манбаа, долзарб ва салоҳиятли ресурс ҳисобланади. Ўсимликлар жамиятнинг барқарор ривожланишида, унинг иқтисодий, маданий-эстетик, экологик эҳтиёжларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, ўсимликларнинг аҳамияти беқиёс ҳисобланади. Ўсимликлар кўп экилган шаҳарларда ҳавода чанг ва бошқа механик ҳамда кимёвий аралашмалар кам бўлади. Аҳоли зич яшайдиган жойларда яшил ҳудуд 40 %, майдонни эгаллаши керак. Мактаб, боғчаларда 50 %, касалхоналарда

60 % бўлиши керак. Қишлоқ жойларида ҳар бир ҳовли ёнида камида 100 м² боғ-мевазор бўлиши лозим [7]. Ўсимликларни кўп бўлиши ҳавода кислородни кўп бўлишига, киши руҳиятига ва ҳатто кўришни мустаҳкамланишига сабабчи бўлади. Шунингдек, ҳавонинг софлигини, тупроқнинг намлигини, унумдорлигини сақлайди, ҳавода маълум намлик бўлиши, енгил ионлар сони кўпайишини таъминлайди. Шу сабабли, шаҳарлар кўкаламзорлаштирилаётганда, одатда, 70 % майдон яшил ҳудудга, яъни хиёбонлар, боғлар, истироҳат боғлари ва бошқаларга ажратилади [8].

Ер шарининг бошқа мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам табиатдан фойдаланиш фаолиятининг кучайиши, қишлоқ хўжалиги ва саноат тараққиёти натижасида ўсимликларнинг кўплаб турлари хатарли аҳволга тушиб қолди, ареал ва миқдори қисқарди, баъзи турлар умуман йўқ бўлиб кетди. Хилма-хил транспорт воситалари (автомобиль, самолёт, поездлар) кўпайтирилди, кўплаб йирик корхоналар қурилди. Бу корхона ва транспорт воситаларидан чиққан заҳарли чиқиндилар ўсимликлар дунёсига катта зарар етказди. Айниқса, ҳукуматимиз томонидан дарахтларга мараторий эълон қилинганлигига қарамасдан, айрим шахслар томонидан ҳанузгача дарахтларнинг беаёв кесилиши ачинарли ҳолатдир.

Зеро, кишилар ўсимликлар дунёси табиатнинг ва инсоният ҳаётининг бирламчи ресурси эканлигини, ҳар бир ўсимлик тури биосферада ўзининг экологик аҳамиятига эга эканлигини тушуниб етишлари зарур. Ўсимликлар дунёси бўлмаса ерда ҳаётнинг мувозанати, мутаносиблиги йўқолади. Шу боис, инсоният зиммасидаги энг муҳим вазифа - ўсимликлар дунёсини асраб қолиш, муҳофаза қилиш, доривор турларини кўпайтириш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш асосида инсонлар учун фойдали бўлган жиҳатларини ўрганиш масалалари туради.

Ўсимликлар хилма-хиллиги барча давлатлар учун муҳим ҳаётий манбаа, долзарб ва салоҳиятли ресурс ҳисобланади. Зеро, ўсимликлар жамиятнинг барқарор ривожланишида, унинг иқтисодий, маданий-эстетик, экологик эҳтиёжларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда, мазкур масаланинг ечимини топишда барқарор ривожланиш асосида дунё бўйича олиб борилаётган ишлар эътиборга моликдир. Дунё ҳамжамиятини 2021 йил 30-31 октябрда бўлиб ўтган Г20 (катта йигирматалик клуби) мамлакатлари ўртасида, Римда ўтказилган бу сафарги саммитда 2030 йилгача бир триллион дарахт экиш мажбурияти ҳақида декларация қабул қилинди. Декларацияда “Дарахтлар иқлим ўзгариши билан курашишда асосий воситалардан бири” эканлиги қайд этилди [6]. Бу ўринда Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан ҳам мазкур экологик муаммога катта эътибор қаратилганини таъкидлашимиз лозим. Зеро, юртбошимиз мамлакатимизда экологик таҳдидларнинг салбий таъсири ортиб бораётганлиги ҳақида куюниб гапирмоқда ва уларнинг ечимига катта эътибор қаратмоқда.

Хусусан, 2021 йил 30 декабрда “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эътиборга молик [2]. Мухтарам юртбошимиз ташаббуслари билан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини ишлаб чиқилиши диққатга сазовордир. Унга биноан, шаҳарлар, туман марказлари ҳамда аҳоли пунктларида экологик вазият ва ҳаво тозаллигини яхшилаш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилди. Мазкур лойиҳа, доирасида йилига 200 млн. туп дарахт ва бута кўчатларини экиш белгиланган. Ҳозирда Республикаимиз ҳудуди 8% га кўкаламзорлаштирилган бўлиб, уни 30% га ошириш режалаштирилган [1]. Мутахассисларнинг айтишича, Ўзбекистон ҳудудларининг иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, экиш учун 27 турдаги дарахт кўчатлари таклифи киритилган. Жумладан, каштан, оққайин, эман, япон сафораси, шумтол, қайрағоч, павловния, терак, акация,

чинор, тут, жийда, ёнғок, беҳи, узум, қрим қарағайи ва виргин арчаси кабиларни экиш лойиҳа режасига киритилган [9].

Хусусан, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент вилоятида – 16 млн тупдан, Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғонада – 15 млн тупдан, Қорақалпоғистон, Навоий, Сирдарё, Хоразмда – 14 млн тупдан кўчат экилади [10].

Экология ва атроф – муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан мазкур лойиҳа доирасида Ўзбекистон вилоятларида қайси турдаги дарахтлар экилиши бўйича маълумот берилди. Хусусан, Қорқалпоғистон, Хоразмда ҳудудларида катальпа, павлония, япон сафораси, шумтол, қайрағоч, терак, заранг, акация, шунингдек, тут, жийда, беҳи, узум каби мевали ва манзарали дарахтлар, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Тошкентда чинор, эман, заранг ва бошқа дарахтлар, Бухорода қайрағоч, чинор, шумтол, япон сафораси, акация, Канада багрянниги, Сирдарёда Пенсильвания шумтоли, садақайрағоч, гледичия кабилар, Қашқадарё вилоятида тоғли ва чўлли ҳудудлардан иборат бўлганлиги сабабли тоғли ҳудудларида катальпа, ёнғок, тол, мажнунтол, чинор, арча, чўлли ҳудудларида қайрағоч, акация, гледичия, жийда, шумтол каби дарахтларни экиш тавсия этилган.

Шунингдек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси – бу бир йиллик тадбир эмас – деб баҳо берди давлатимиз раҳбари ва бир қатор устувор вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, баҳор мавсумида 125 миллион дона дарахт кўчатларини экишни самарали ташкил этиш; ҳар бир ҳудуднинг иқлимига мос, кам сув талаб қиладиган кўчатларни танлаб, уларни етарли микдорда етиштириш учун кўчатхоналарни кўпайтириш; халқаро ва республика аҳамиятидаги йўлларнинг четларига 1,5 миллион дона дарахтдан ихотазорлар ташкил этиш ва шу каби муҳим вазифалардан иборат [11].

Атроф-муҳитни кўкаламзорлаштириш албатта, иқлим ўзгаришига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Зеро, бутун инсониятнинг биринчи даражали умумсайёравий экологик муаммоси бўлиб келаётган “Дунё иссиқхонаси” яъни ҳаво ҳароратининг йил-сайин кўтарилиб бориши натижасида юзага келган глобал иссиқхона муаммосининг олдини олишда ҳам катта аҳамиятга эга. Шу ўринда, 2021 йил 31 октябрдан 12 ноябргача Глазго шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси иштирокчиларининг 26-конференциясида мамлакатимизда юзага келган салбий оқибатларнинг олдини олиш учун “яшил” иқтисодиётни илгари суриш, экология ва биохилма-хилликни сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида яшил макон умуммиллий лойиҳа доирасида олиб борилаётган ҳаракатнинг муҳимлигини таъкидланди. Шунга асосан, 2030 йилга бориб, Ўзбекистон атмосферасига чиқариладиган ис газларини 35% гача камайтиришни давлатимиз ўз олдига мақсад қилиб қўйди [5].

Мамлакатимизда экологик вазиятни яхшилаш, табиат мувозанатини сақлаш ҳамда атроф-муҳит муҳфазасида муҳим ўрин тутадиган омиллардан бири – дарахт экиш ва уни парваришlash ҳисобланади. Маълумки ўсимликларнинг табиатда муҳим вазифаларни бажаради. Яъни ўсимликларда фотосинтез жараёнида карбонат ангидрид газини ютади ва кислород ажратиб чиқариб, атмосферани кислород билан бойитиб боради. Улар чанглари ютади, турли шовқинларни сўндиради, кўпгина дарахтлардан фитонцид деб номланувчи учувчан моддаларни ҳосил қилиши, ҳаводаги касаллик қўзғатувчи бактерияларни камайтиради. Дарахтлар табиий дренаж вазифасини бажариб ер ости сувларини юқорига кўтарилишига йўл қўймайди. Умуман олганда, дарахтзорлар бор жойда маълум бир микроиқлим ҳосил бўлади.

Ҳатто, Ҳадиси шарифда ҳам айтилганки, «Экмоқ ниятида қўлингизга кўчат тутган пайтда беҳосдан қиёмат қойим бўлиб қолиши аниқ бўлганда ҳам улгурсангиз уни экиб

қўйинг». Ҳа, курраи заминимизнинг энг ноёб, ўхшаши йўқ ўсимликлар оламини, ниҳоятда гўзал табиий ландшафтларини асл ҳолида келгуси авлодга етказиш учун оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш муҳим вазифа эканлигини инсонларга англаштириш зарур.

Зеро, Юртбошимиз, “Авлодларимиз биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитда яшашлари учун биз табиатга меҳр ва эътибор беришимиз, у билан уйғун бўлиб яшашимиз керак. Бу нима дегани? Бу – табиатни тоза-озода тутиш, ер ва сув ресурсларини, экологик тизимни асраш, дарахт экиб, боғ яратиш дегани” деб жуда тўғри баҳо берганлар [4].

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, БМТ Бош ассамблеясининг 2015-йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70 – сон резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 – йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сонли “2030 – йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори барқарор ривожланишга эришишнинг асосий йўлларида бири бу ўсимликлар оламига қаратилган эътибордир [3]. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда экологик жиҳатларнинг ниҳоятда муҳим эканлиги яққол кўзга ташланади. Хусусан, мазкур қарорнинг муҳим экологик мақсад ва вазифаларида кўйидагилар акс этган:

Шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг очиқлиги, хавфсизлиги ва экологик барқарорлигини таъминлаш.

- 2030 йилгача шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларида яшил ҳудудлар, истироҳат боғлари яратиш.

Қуруқлик экотизимларини ҳимоялаш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш, ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг емирилишини тўхтатиш ва ортга қайтариш, биохилма-хилликнинг йўқолиб кетиши жараёнини тўхтатиш.

- Халқаро битимлардан келиб чиқадиган мажбуриятларга мувофиқ, ер усти ва ички чучук сувли экотизимлар, жумладан ўрмонлар, сувли-ботқоқли ҳудудлар, тоғлар ва қурғоқчил ерларни сақлаш, тиклаш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш.

- Ўрмонларнинг барча турларидан оқилона фойдаланиш усуллари жорий этишга кўмаклашиш, ўрмонларнинг йўқолиб кетишини тўхтатиш, емирилган ўрмонларни тиклаш ҳамда ўрмонзорлар ва ўрмонларни тиклаш кўламини жиддий равишда кўпайтириш.

- 2030 йилгача саҳроланишга қарши кураш, емирилган ерлар ва тупроқларни, шу жумладан, саҳроланиш, қурғоқчилик ва сув тошқинига учраган ерларни тиклаш ва ерларнинг емирилишининг нейтрал балансига эришиш.

- 2030 йилгача тоғ экотизимларининг, шу жумладан уларнинг биохилмахиллиги, сақланишини барқарор ривожланиш учун зарур бўлган неъматларни яратиш салоҳиятини кучайтириш мақсадида таъминлаш.

- Браконерлик ҳамда флора ва фаунанинг кўриқланадиган турларининг контрабанда савдосини тугатиш учун шошилинч чоралар кўриш, жонли табиатнинг ноқонуний маҳсулотларига талаб, шунингдек, уларни таклиф қилишга оид муаммоларни ҳал қилиш.

- Иқтисодиёт тармоқлари ва секторларини ривожлантиришнинг миллий стратегиялари ва дастурларини ишлаб чиқишда экотизим ва биологик хилма-хиллик қимматининг ҳисобга олинишини таъминлаш.

- Биологик хилма-хиллик ва экотизимларни сақлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш мақсадида молиявий ресурсларнинг барча манбаларини сафарбар этиш ва жиддий равишда кўпайтириш каби масалалардан иборат [3].

Мазкур қарор стратегик аҳамиятга эгаллиги учун унда кўрсатилган мақсад ва вазифалар йиллар давомида босқичма-босқич амалга ошириб борилади.

Ушбу стратегик қарорда келтирилган мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиб бориши келгусида юртимизнинг ҳар тарафлама мустаҳкам, иқтисодий барқарор бўлишига, экологик жиҳатдан тоза ва мусатфо муҳитнинг яратилишига ва албатта инсонлар ҳаёти фаровонлигининг ошишига олиб келади. Бу ўринда эса албатта, ўсимликларнинг аҳамияти бекиёсдир. Бу вазифаларни бажаришда албатта, инсонларда экологик жиҳатдан юксак маънавият ва экологик маданият юқори даражада шаклланган бўлиши муҳим ҳисобланади. Шу йўл билан келгуси авлоднинг инсон-табиат-жамият тизими муносабатида ўзаро уйғунликка эришган ва экологик барқарорликни таъминлаган бўламиз.

Мухтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, “Энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Албатта бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди. Бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин” [10].

Зеро, табиат биохилма-хиллигини асраш, унинг гўзалликларини севиш, унга меҳр-муҳаббатли бўлиш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш каби ғояларни инсонлар онгига сингдириб бориш, улар экологик маданиятининг шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. “Аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш чора-тадбирлари” видеоселектори. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳа 2021 йил 2 ноябрь.
2. Мирзиёев Ш.М. “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. ПФ-46-сон. 2021 йил 30 декабрь.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2030 – йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 20 октябрь 841 - сонли қарори.
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти видеоселектори. 02.02.2022.
5. БМТнинг Иқлим ўзгаришига бағишланган саммити. <https://t.me/ecologuz>
6. G20 «Катта йигирматалик» давлатлар саммити <https://t.me/ecologuz>
7. Муҳаммадиев А.М., Зияев С.Д., Иоганзен Б.Г., Иголкин Н.И. Табиат муҳофазаси ва экология. Т.: Ўқитувчи, 1986. 81 б.
8. Отабоев Ш.Т., Исқандаров Т.И. Коммунал гигиена. Т.: “Ибн Сино”, 1994. 51 б.
9. <https://t.me/ecologuz>
10. <https://t.me/ecologuz>
11. www.gazeta.uz